

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**“СУВ ТАЪМИНОТИ, КАНАЛИЗАЦИЯ ВА СУВ РЕСУРСЛАРИНИ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ” КАФЕДРАСИ**

**УРОҚОВ БАХТИЁР ШУКРУЛЛОЕВИЧ**

**“СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ СУВ  
ТАЪМИНОТИ ТИЗИМЛАРИНИ ИШИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ”**

5А630104 – Оқова сувларни тозалаш ва сув ресурсларини  
муҳофаза қилиш мутахассислиги.

Магистр даражасини олиш учун ёзилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

*Илмий раҳбар: т.ф.н., доц А. Мирзаев*

*Самарқанд – 2018й.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ  
ИНСТИТУТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК 628.16.065.2**

**Ураков Бахтиёр Шукруллоевич  
5А630104 – “Оқова сувларни тозалаш ва сув ресурсларини муҳофаза  
қилиш” мутахассислиги**

**Сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари сув таъминоти  
тизимларини ишини тадқиқ этиш**

**Магистр академик даражасини олиш учун  
ЁЗИЛГАН ДИССЕРТАЦИЯСИ**

Диссертация кўриб чиқилди  
ва ҳимояга рухсат берилди.  
“Сув таъминоти, канализация  
ва сув ресурсларини муҳофаза  
қилиш” кафедрасининг мудири,  
т.ф.н., доц. К.А. Якубов \_\_\_\_\_  
11-баённома  
“4” июн 2018 йил

Илмий раҳбар: т.ф.н.,  
доцент. А. Мирзаев\_\_\_\_\_

**Самарқанд – 2018 йил**

## **Аннотация**

Диссертациясида сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари тизимида мавжуд бўлган муаммолар, уларни бартараф қилиш усуслари сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари сув таъминоти тизими ишини ҳамда уни самарадорлигини яхшилаш ва сувни сифат кўрсаткичларига қўйиладиган гигеник талабларини аниқлаш, технологик жараёнларда сувни компонент сифатида қўлланиши бош мақсад қилиб қўйилган ва уларни ечимлари устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари учун фойдаланиладиган сувларни тайёрлаш усуслари ҳамда сув таъминоти иншоотларига қўйиладиган талаблар ва сув таъминоти тизимлари тўғрисида илмий маълумотлар келтирилган. Сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарида сув таъминоти мажмуаси иншоотларини санитар муҳофазалаш ҳудудларини тартибга солиш тўғрисида илмий тадқиқотларни натижалари келтирилган. Тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар ва ишлаб чиқилган илмий-амалий таклифлар баён қилинган қисқа хулоса ва таклифлар диссертация ишининг алоҳида бобларида ҳам ўз аксини топган. Демак, сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари учун фойдаланиладиган сувларни тайёрлаш усуслари, сув таъминоти тизимларига қўйиладиган талаблар ва сув таъминоти тизимларини самарадорлигини ошириш, артизан кудуғидан технологик жараёнга узатишдан олдин заарсизлантириш, фойдаланилгандан кейин тозалаш муаммолари устида илмий тадқиқот иши бажарилган.

## **Annotation**

His describes problems in the dairy production system, methods to eliminate dairy products manufacturing enterprises to improve the efficiency of the work of the water supply system and water quality indicators to determine the requirements to establish gigenik, the main purpose of the use of water as a component of technological process and decisions are made on scientific research. Dairy products manufacturing methods used for water requirements and water supply facilities and water supply systems scientific data. Milk production enterprises chiqisharish recommendations on resolving the problems of water supply system, the analysis of the problems of water supply systems in buildings. Milk production enterprises of water and a source of water supply systems, sanitary protection, the description of the technological process used in water and refinement methods, to avoid problems that may occur in the future development of water-saving measures. Results and improved scientific and practical proposals set forth in brief remarks and suggestions are reflected in the different parts of the dissertation. Therefore, dairy products, production methods used for water requirements, water supply systems and water supply systems, to increase the efficiency of artizan well be used to neutralize before the transfer process, after the cleaning is done scientific research on the problem.

## Мундарижа

Мундарижа.....	4
Кириш .....	5
<b>I-Боб. Сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида ишлати- ладиган сувларни сифат кўрсаткичларига қўйиладиган гигеник талаблар .....</b>	17
1.1. Сувни сифат кўрсаткичига қўйиладиган гигеник талаблар ва сув таъминоти тизимларини ташкил этиш.....	17
1.2 Сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарининг тех- нологик жараёнларида сувни компонент сифатида қўлланилиши .....	23
Биринчи боб хulosаси .....	27
<b>II - Боб. Сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш саноат корхонала- рида фойдаланиладиган сувларни тозалаш, тайёрлаш усуллари ва сув таъминоти тизимлари .....</b>	28
2.1. Сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари учун фойдаланила- диган сувларни тайёрлаш усуллари .....	28
2.2. Сув таъминоти иншоотига қўйиладиган талаблар ва сув таъминоти тизимлари .....	32
2.3. Сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналаридаги иншоотлар- ни, тармоқларни дезинфексиялаш.....	45
Иккинчи боб хulosаси .....	51
<b>III – Боб. Сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналаридан чиққан оқова сувларни умумий тавсифи ва тозалаш усуллари .....</b>	53
3.1. Сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналаридан чиққан оқова сувлар тавсифи .....	53
3.2. Сут маҳсулотларини ишлаб корхоналаридан чиққан оқова сувларни тозалаш .....	54
Учинчи боб хulosаси .....	60
Яқуний хulosалар.....	61
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	64
Иловалар.....	68

## **Кириш**

Ривожланиб келаётган мамлакатимизда жамият фаровонлигини асосий кўрсатгичларидан бири - бу истеъмолчиларнинг узлуксиз ва ишончли сув ҳавзалари билан таъминланганлик даражасидир. Ўзбекистон Республикасидаги дастлабки фармонлардан ва қарорлардан бири, ҳам давлатимиз аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашга қаратилганлиги шу ижтимоий муаммонинг ечимиға бағишиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2017 ил 4 майда “2017-2021 йилларда ер ости ва ер усти сув заҳираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди. Унда ер ости ва ер усти сувларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни йўлга қўйиш, самарали мониторинг тизимни яратган ҳолда уларнинг заҳираларини яна қўпайтириш, камайиб кетиш ва ифлосланишдан муҳофаза қилиш, шунингдек, узоқ муддатли истиқболда ичимлик суви таъминоти тизимини ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ва мақсадли дастурларни амалга ошириш асосида республикамиз аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш чора-тадбирлари белгиланди [1].

Мамлакатимизда саноат, энергетика ва қишлоқ хўжалигини ривожланиши сув истеъмолини оширади. Бу эса ўз навбатида сув таъминоти тизимида ишланишларга янги технологияларни қўллашга, сув ресурслардан оқилона фойдаланишимизга тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 250-моддасида “Фуқаролар табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар” деб ёзилган. Булардан кўриниб турибдики, саноат, энергетика ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ва қурилишни олиб боришда ичимлик ва техник сувлардан тўғри фойдаланиб, уларни тежашимиз даркор. Акс ҳолда, ҳар қандай исрофгарчилик глобал муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев бу муаммонинг нафақат миллий балки умуммиллий, глобал хавфсизлик муаммоси эканлигини таъкидлаб “Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачон миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш - ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади” деган эдилар.

Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг “Сувдан маҳсус фойдаланиш ёки сувни маҳсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақидаги (2013йил, 25-сон, 325-модда) қарорида ишлаётган, лойиҳалаштирилаётган ёки реконструкция қилинаётган сут маҳсулотларини қайта ишлаш заводларида амалга ошириш мўлжалланаётган сувдан маҳсус фойдаланиш ёки маҳсус сув истеъмолининг барча турларига битта рухсатнома расмийлаштирилиши кўрсатилган [2].

Демак, юқорида келтирилган фикрлардан шуни англашимиз мумкинки, табиий сув ресурсларидан тўғри фойдаланиш ва аҳолини барча талабларига жавоб бера оладиган тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш ва уни узлуксиз етказиб беришда тўсқинлик қилаётган муаммоларни ечиш асосий мақсад ва вазифамиз эканлигини тушуниб етамиз. Табиий сувларни сарф қиласиган соҳаларидан бири Республикаизда сут маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш саноат корхоналариридир, яъни Республикаиздаги умумий сув сарфини 1-2 % сутнини қайта ишлаш заводларида ҳар хил сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ҳамда заводнинг хўжалик-маиший юмушларига сарф бўлади. Булардан кўриниб турибдики, сутни қайта ишлаш ишлаб чиқариш саноат корхоналарига талаб даражасига етарли миқдорда ва сифатли сув етказиб бериш ҳамда қўлланиладиган техник сувларни тозалаш ва қайта фойдаланиш Ўзбекистон шароитида ўта долзарбдир.

## **Магистрлик диссертациясини мавзусининг асосланиши ва унинг долзарбилиги**

Магистрлик диссертациясининг мавзуси “Сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари сув таъминоти тизимларининг фаолиятини тадқиқ этиш”ни асосланиши ва унинг долзарбилиги талаб даражасида, сифатли ва етарли миқдордасут маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарига техник сувни етказиб бериш ҳамда бу сувларни тозалаш, қайта фойдаланиш ва заарасизлантиришнинг кам харажатли, фойдаланишда ихчам қурилмаларини ва технологияларини яратишdir.

### **Тадқиқот обьекти ва предмети**

Ушбу магистрлик диссертациясида сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари тизимида мавжуд бўлган муаммолар, уларни бартараф қилиш усуслари сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари сув таъминоти тизими ишини ҳамда уни самарадорлигини яхшилаш ва сувни сифат кўрсаткичларига қўйиладиган гигиеник талабларини аниqlаш, технологик жараёнларда сувни компонент сифатида қўлланиши бош мақсад қилиб қўйилган ва уларни ечимлари устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Диссертациянинг кириш қисмида диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарбилиги, тадқиқот обьекти ва предметининг белгиланиши, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари, мавзу бўйича қисқача адабиётлар тахлили, тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи, тадқиқот натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқотнинг илмий янгилиги, диссертация таркибининг қисқача тавсифи баён қилинган.

Сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари учун фойдаланиладиган сувларни тайёрлаш усуслари ҳамда сув таъминоти иншоотларига қўйиладиган талаблар ва сув таъминоти тизимлари тўғрисида илмий маълумотлар келтирилган. Сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарида сув таъминоти тизимининг муаммолари, уларни ечими бўйича тавсиялар, сув таъминоти тизимини иншоотларининг муаммолари

таҳлил қилингандык. Сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналаридан сув берувчи манба ва сув таъминоти тизимини санитар мухофазаси, технологик жараёнда фойдаланилган сувларни умумий тавсифи ҳамда тазалаш усуллари, келгуси юзага келиши юзага келиши мүмкін бўлган муаммоларни олдини олиш чора тадбирлари, сувини тежаш тадбирлари ишлаб чиқилган.

Сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналаридан сув таъминоти мажмуаси иншоотларини санитар мухофазалаш худудларини тартибга солиш тўғрисида илмий тадқиқотларни натижалари келтирилган. Диссертациянинг хулоса қисмида тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар ва ишлаб чиқилган илмий-амалий таклифлар баён қилингандык. Диссертациянинг алоҳида бобларидан ҳам ўз аксини топган. Демак, сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари учун фойдаланилдиган сувларни тайёрлаш усуллари, сув таъминоти тизимларига қўйиладиган талаблар ва сув таъминоти тизимларини самарадорлигини ошириш, артизан қудуғидан технологик жараёнга узатишдан олдин заарсизлантириш, фойдаланилгандан кейин тозалаш муаммолари устида илмий тадқиқот иши бажарилган.

Тадқиқот ва тажрибалардан олинган натижалар асосида ихчам фойдаланилган, айланма ёпик-сув таъминоти тизимини самарадорлигини ошириш, ер ости сувларини заарсизлантириш қурилмалари, жиҳозларини яратиш ва уни синааб қўриш, ушбу диссертациянинг тадқиқот доирасига киради. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур иш кафедрада бажарилган техник сувларни ва уларни ишлаб чиқаришда қайта фойдаланишга тайёрлаш буйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар мажмуасининг мантиқий давоми ҳамда бир қисмидир.

Сутни қайта ишлаб чиқариш заводларидан қўлланилдиган техник сувларни тозалаш ва қайта фойдаланиш усулларини тадқиқ қилиш обьекти сифатида “Самарқанд” сутни қайта ишлаш заводи, сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш саноат корхонаси қабул қилингандык.

Илмий изланишлар олиб боришда мамлакатимиздаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш заводларини техник сувлар билан таъминлаш,

фойдаланилган техник сувларни заарсизлантириш, тозалаш ҳамда фойдаланишдаги мавжуд тозалаш иншоотларини технологияларига алоҳида эътибор берилган ҳолда ва иқтисодий-ижтимоий самарадорлиги улар билан таққосланади.

### **Тадқиқот мақсади ва вазифалари**

Мамлакатимизнинг иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтиш натижасида кўплаб янги саноат корхоналари пайдо бўлмоқда, шу жумладан сутни қайта ишлаб чиқариш заводларида, ҳамда янги замонавий чет эл маҳаллий технологиялари кўлланилмоқда. Уларнинг фаолият кўрсатиши учун маълум миқдорда сув керак бўлади, сувдан фойдаланиш натижасида сувнинг ифлосланиши, яни техник сувлар пайдо булади. Бу техник фойдаланилган сувнинг миқдори ва таркибий сифат кўрсатгичлари турлича бўлишлиги табиийдир. Бу сувларнинг таркибида хар хил ўлчамли, органик ва ноорганик ифлослантирувчи модда мавжуд. Шу сабабли, замонавий айланма ёпиқ техник сув таъминоти тизимларини қўллаш бундай таркибли техник сувларни тозалаш учун ихчам, ўз-ўзини тозалай оладиган, фойдаланишда қулай ва ишлаши ишончли бўлган қурилмаларни ишлаб чиқиш мамлакатимиздаги экологик ҳолатни барқарорлаштиришда катта аҳамиятга эга булган долзарб муаммодир. Табиатнинг экологик мувозанатини сақлаш, ер ости сув манбаларини турли хил ифлосланишлардан олдини олишда сувларни тозалаш сифатини ошириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Сувларни сутни қайта ишлаб чиқариш заводларида фойдаланиб чиқарилган техник сувларни тозалашда механик, биологик ва физик-кимёвий усуллардан фойдаланилади. Тозалаш усулларини ва иншоотларини танлашда тозалаш даражаси, сув ўтказиш қобилияти, заарсизлантириш ҳамда уларни, техник фойдаланилган сувлар таркиби, маҳаллий шарт-шароитлар ва иқтисодий кўрсатгичлари инобатга олинади.

Ҳар бир услугуб ўзига хос тозалаш қобилиятига эга, сутни қайта ишлаб чиқариш заводларида кўлланиладиган техник заарсизлантириш сувларни

тозалаш усулларни тадқиқ қилишни асосий мақсад ва вазифалари қўйидагилардан иборат, яъни,

- табиий сувларни сутни қайта ишлаш заводларидаги тутган ўрни ва уларда қўлланиладиган тизимни ўрганиш;
- сутни қайта ишлаш заводларидаги сувларни етказиб беришда қўлланиладиган насос станциялари, сув насослари, вакум-насослар ва бошқа ускуна-курулмалар тўғрисида ҳамда ишлатиш бўйича таҳлил қилиш;
- босимли техник сувни узатиш тармоқлари, арматуралари ва босимни, сув сарфини ўлчаш приборлар фаолиятини таҳлил қилиш;
- сутни қайта ишлаш заводларидаги ишлатиладиган техник сувларига қўйиладиган сифат кўрсатгич талабларни аниқлаш;
- сут махсулотларини ишлаб чиқища, қувур ускуна ва иншоотларда ҳосил бўладиган қўшиладиган ва айланма техник сувларни механик аралашмалардан тозалаш услубларини таҳлили;
- айланма сувларни совутиш ва қайтадан айланма-ёпиқ сув таъминоти тизимига узатиш муаммоларини таҳлил қилиш;
- коррозия ва карбонатли чўқмаларга қарши курашиш усулларини ўрганиш;
- иссиқликни ишлаб чиқувчи, узатувчи ва сувни совитувчи аппарат ҳамда иншоотларида ҳосил бўладиган биологик ўсимталарга курашиш усулларини ўрганиш;
- сутни қайта ишлаш заводларида фойдаланиб тозаланадиган сувларни зарарсизлантириш турларини аниқлаш ва қўлланиш услубларини таҳлили;
- сутни қайта ишлаш заводларида чиқинди чиқармайдиган сув ресурсларидан самарали фойдаланиладиган сув таъминоти ҳамда ишлатилган техник сувни тозалаш иншоотига чиқариш тизимларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- сутни қайта ишлаш заводларидан чиққан сувларни тозалаш иншоотлари ишлаш жараёнини бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориши.

## **Илмий янгилиги**

Сутни қайта ишлаш заводида қўлланиладиган сув таъминоти тизимларини мавжуд турларини қўлланилиши таҳлил қилинди, натижада Ўзбекистон шароитига тўғри келадиган сутниқайта ишлаш заводини энг самаралиси айланма артизан қудуғидан сув оладиган, ховузли автоном сув бериш манбасидан иборат – ёпиқ техник сув таъминоти тизими танланди;

Ҳаво билан совутиш тизимини Ўзбекистон шароитида амалда қўллаш, яъни технологик қурилмаларига ўрнатиш ҳамда бу янги технологиядан самарали фойдаланиш айланма техник сув сарфини 2,5-3 бароварига қисқартиришга олиб келиши аниқланди.

Аҳолининг соғлигига салбий таъсир қиласидиган ичак юқумли касалликларини келтириб чиқарувчи микроблар, сут маҳсулотларига ўтиши яъни холера, тиф, дизентерия, туляремия, бруцеллез, гепатит ва бошқа касалликларни сут маҳсулотларида тез кўпайиши тўғрисида маълумотлар келтирилган. Сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарида фойдаланиладиган артизан қудуқлари сувларини бактериологик кўрсаткичлари, сувни кимёвий таркибини меъёрлари, сувни оргонолептик хусусиятига таъсир қилувчи меъёрий кўрсаткичлар таҳлили ва ифодалари келтирилган. Сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарида ишлатиладиган техник сувларни биологик плёнкалар орқали сиздириб тозалаш усулини самарадорлигини яхшилиги ва бактерияларни сонини 95-97 % га, сувни ачиш кўрсаткичини 20-30% тозаланиши таҳлили келтирилган.

Сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарини технологик жараёнини ёпиқ сув таъминоти тизимида ишлатилган техник сувларни нисбий сув меъёрлари, оқова сувни таркиби, оқова сувни ифлосланиш концентрациясини ифодалари ишлаб чиқилди. Сут заводидан чиқсан оқова сувларда хлоридларни концентрацияси ўртacha 150-200 мг/л ташкил этиши лаборатория шароитида аниқланди ва бундай ифлосланган сувларни технологик тизимга тушиб қолиши негатив ҳолатларга олиб келиши таҳлил қилинди

## **Тадқиқотни асосий масалалари ва фаразлари**

Кейинги пайтларда ривожланган мамлакатларда сут ишлаб чиқариш корхоналарида ишлатилаётган сувлар таркибидағи бактерияларни заарасизлантириш түрли хил ифлосликларни ажратиш мақсадида тайёрланиш жиҳатдан осон, ихчам ва фойдаланишда қулай булған ҳар-хил конструкциялы қурилмаларни қўллаш юпқа катламли тинитгичларда тиндириш зарурый ҳолларда філтрлаш усулларини қўллаб сувдан қайта фойдаланиш имконини яратувчи технологиялар ва қурилмалар кенг кўлланилмоқда.

Бу механик тозалангандык сувларни микроорганизмлар ёрдамида табиий ёки сунъий иншоотларда тозалашга асосланган. Бу усулда фойдаланилган техник сувларни тозалаш учун нисбатан анча йирик бўлмаган иншоотларда, тозалашга тўғри келади, тозаланиш самараси қўпчилик ҳолларда замонавий санитар - экология талабларини қаноатлантира олмайди демак бу усулда сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш заводларининг айримларининг фойдаланилган техник сувларини умуман тозалаб бўлмайди. Айниска бу сувни оқовани қабул қилиш ҳавзаси ёки марказлаштирилган сув таъминоти тизими учун мўлжалланган бўлған ҳолларда бу услубда тозалангандык техник сувлар қатор қийинчиликларни туғдиради. Чунки бу ҳолларда тозаланадиган сувнинг тозаланиш даражасига юқори талаблар қўйилганлиги сабабли уларни қаноатлантириш учун иккинчи ва учинчи поғанали тозалашлар қўлланилишига тўғри келади. Табиийки, бундай ҳолат сутни қайта ишлаб чиқариш заводларида чиққан сувни тозалашнинг ҳаражатларини кескин қўпайтиради ва иқтисодий жиҳатдан қимматга тушади.

Сут қайта ишлаб чиқариш заводларида қўлланиладиган техник сувларни тозалашнинг замонавий усуллари - бу классик тозалаш услубидан фарқли равища жадал тезлик билан амалга ошириладиган реагентли ёки физико-кимёвий усулларни қўллашга асосланмоқда.

Бу услубнинг классик услугга нисбатан афзалликларидан бири техник сувни тозалаш жараёни жуда тез ва ва исталганча юқори даражагача тозалаш

имкониятига эга. Капитал қурилиш учун моддий маблағлар сарфи тўлиқ механик усулдагига нисбатан жуда кам техник сувни тозалаш жараёнини автоматлаштириш осон ва қурилманинг ўзи ўта ихчам уларни завод шароитида тайёрлаш имконияти борлиги билан ажралиб туради.

Сутни қайта ишлаб чиқариш заводларида ишлатиладиган техник сувларни реагентли усулда тозалашнинг бошланганига бир асрда ошган бўлиб, уни дастлаб Англияда қўллашган. Сўнгра бу услугуб Америка Кўшма Штатларида кенг тарқала бошлаган, 1945 йилда мамлакатда 195 та реагентли ва реагентсиз заарсизлантириш қурилмалар мавжуд бўлган.

Ҳозирги пайтда заарсизлантириш усулларнинг турли хил варианtlари АҚШ, Франция, Швеция, Норвегия, Финляндия, Япония, Хитой каби кўплаб мамлакатларда кенг қўлламида қўлланилмоқда.

Сувни ҳар хил усулда заарсизлантириш тез амалга ошганлиги сабабли бу технологияларни руёбга чиқариш қурилмаларининг ўлчамлари катта бўлмаганлиги ва ихчамлиги сабабли уларни завод шароитида жуда қисқа муддатда тайёрлаш имконияти мавжуд.

Бу қурилмалар босимли-босимсиз режимларда ишлайди. Улар сезиларли солиштирма унумдорликка эга бўлган ҳолда ихчамлиги, технологик жараённи осон автоматлаштириш имконияти мавжудлиги, бактерияларни сувдан заарсизлантириш шаклида, тайёрланиш жиҳатдан осонлиги, фойдаланишда эса қулайлиги билан фарқ килади.

Ҳозирги пайтда бундай қурилмалар кўпгина ривожланган мамлакатларда жумладан, Финландиянинг (УПО ва «Энсо Гутцайт» фирмаси), Германиянинг («Пассавант», «Герман Вегнер», «КХЛ Гумбольдт Ведаг АГ» ва «Крофта» фирмалари), Швециянинг («Альфа – Лаваль» фирмалари), АҚШ нинг («Дорро-Оливер» ва «Энсо Бауэр» фирмалари), Италиянинг «SERNAGIOTTO» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Бу қурилмаларнинг конструктив тузилиш, ўлчамлари ҳамда, ишлаш принциплари турличадир. Уларни қўлланиш соҳаси ишлов берилаётган техник сув ёки тозаланаётган сувни таркибий тузилиш микдори ва зарурий

тозаланиш даражасига боғлиқ ҳолда аникланади. Булардан кўриниб турибдики, тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразларини қўйидагича таъкидлаш мумкин, яъни,

- сутни қайта ишлаб чиқариш заводларида артизан қудуқлари сувларини ўрни ва вазифасини аниқлаштириш масалалари;

-сутни қайта ишлаб чиқариш заводларида сув таъминоти тизимини сув сарфи балансини ишлаб чиқиш масалалари;

-сув таъминоти ва техник оқоваларни оқизиш меъёрларини аниқлаш масалалари;

- Сут қайта ишлаб чиқариш заводларида қўлланиладиган техник сувларни сифатига ва таркибига қўйиладиган талабларни аниқлаш масалалари;

-артизан қудуқларидан сувлардан фойдаланишининг самарадорлигининг мезонларини аниқлаш масалалари;

- сутни қайта ишлаб чиқариш заводларида сув етказиб берувчи насос станцияларни тавсифини ўрганиш масалалари;

- сутни қайта ишлаб чиқариш заводларидан чиқсан техник сувларга ишлов бериш масалалари;

### **Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шархи (таҳлили)**

Диссертациянинг кириш қисмида диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги, тадқиқот обьекти ва предметининг белгиланиши, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари, мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили, тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи, тадқиқот натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқотнинг илмий янгилиги, диссертация таркибининг қисқача тавсифи баён қилинган.

### **Тадқиқотда қўлланиладиган методиканинг тавсифи**

Мамлакатимиз иқтисодиётининг бозор муносабатига ўтиш натижасида Республикаизда сутни қайта ишлаб чиқариш заводларида қўлланиладиган техник сувларни тозалаш ва қайта фойдаланишга ҳамда илмий томонидан

замон талаби техник сувларни тозалаш усулларини тадқиқ қилишга эҳтиёж пайдо бўлмоқда. Буларнинг фаолият кўрсатиши учун маълум миқдорда сув керак бўлади. Сувдан фойдаланиш натижасида сувнинг ифлосланиши яъни техник фойдаланилган ифлосланган сувлар пайдо булади. Бу техник сувларнинг миқдори ва таркибий сифат кўрсатгичлари турлича бўлишлиги табиийдир.

Бу техник сувларнинг таркибида сут маҳсулотларини қолдиқлари, органик ва ноорганик ифлослантирувчи моддалар мавжуд. Шу сабабли бундай таркибли техник сувларни тозалаш учун ихчам ўз-ўзини тозалай оладиган фойдаланишда кулай ва ишлашии шончли бўлган қурилмаларни ишлаб чиқиши мамлакатимизда мавжуд сутни қайта ишлаб чиқариш заводларида техник сувлар билан таъминлаш ҳамда экологик ҳолатни барқарорлаштиришда катта аҳамиятга эга бўлган долзарб муаммодир.

Табиатнинг экологик мувозанатини саклаш очиқ сув ҳавзаларини турли хил ифлосланишлардан олдини олишда техник сувларни тозалашнинг сифатини ошириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Сутни қайта ишлаб чиқариш заводларида чиқкан техник сувларни тозалашда механик, физик-кимёвий усуллардан фойдаланилади.

Юқоридаги хulosалардан келиб чиқиб, магистрлик диссертациямизда сутни қайта ишлаб чиқариш заводларида сувларини тозалаш ва қайта фойдаланиш усулларини тадқиқ қилиш бўйича қўлланилдиган методикаларни услубларини тавсифини қўйидагича таърифладик, яъни:

- сут ишлаб чиқариш заводларидаги қўлланилдиган техник сувларни тутган ўрни, сувни сифат кўрсатгичларини аниқлаш методикасини тавсифи;
- сут ишлаб чиқариш заводларидаги сувларни етказиб бериш насос станциясининг экспулатация қилиш методикаси тавсифи;
- сут ишлаб чиқариш заводларидаги сув бериш босими қувур, тармоқ ва арматураларни экспулатация қилиш методикасини тавсифи;

- техник сувларни электр-кимёвий усул билан тозалаш методикаси тавсифи;

- техник фойдаланилган ион алмашиши усули билан тозалаш методикаси тавсифи;

### **Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти**

Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти асосан сутни қайта ишлаб чиқариш заводларида қўлланиладиган техник сувларни тозалаш, ҳамда қайта фойдаланиш усулларини тадқиқ қилиш бўйича мамлакатимизда ва чет давлатларда бажарилган ишлар ва технологияларни ўрганиб танқидий таҳлил қилиб чиқилганлигидир.

Техник сувларни реагентли ва физикавий усулларда заарсизлантириш, тозалаш, улар асосида табиий техник сувларни керакли даражада ишончли тозалай оладиган қурилмаларининг янги конструкцияларини яратиш бўйича изланишлар олиб бориш.

Мавжуд технологияларнинг афзаллигини эътиборга олиб, камчиликларига барҳам бериб, заарсизлантириш ва тозалаш иншоотларини ҳолатидан келиб чиқган ҳолда сувни тез тозалайдиган, керакли даражада ҳамда етарли миқдорда ҳар хил усулларга асосланган ихчам иқтисодий кўрсатгичи самарали қурилмалар яратишидир.

Магистрлик диссертациясининг тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, тадқиқот ишини натижасида ишлаб чиқилган дастур асосида юртимиздаги Самарқанд сутни қайта ишлаб чиқариш заводига комбинатига техник сувларни заарсизлантириш ва тозалаш ҳамда қайта фойдаланишда ёпиқ айланма сув таъминоти тизимини яхшилаш бўйича тавсиялар беришдир.

### **Иш тузилмасининг тавсифи**

Магистрлик диссертацияси иши 71 варақ изоҳномадан иборат бўлиб, 12та жадвал, 15та расм ва 33та адабиётлар рўйхати мавжуд.

## **I-Боб. Сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида ишлатиладиган сувларни сифат кўрсаткичларига қўйиладиган гигеник талаблар**

### **1.1. Сувни сифат кўрсаткичига қўйиладиган гигиеник талаблар ва сув таъминоти тизимларини ташкил этиш**

Сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарида сувдан фойдаланиш, яъни сувни ўрни жуда муҳимдир, демак сувни сифатига эътибор асосий кўрсаткичларидан бери ҳисобланади. Фойдаланадиган сувни миқдорини асоосий қисми бу корхоналарни технологик юмушлари учун, маҳсус санитар-техник режимлар, яъни сут маҳсулотларини токсикоинфекция ва интоксикациялардан огоҳлантириш учун қўлланилади. Асосий кўрсаткичлардан бири бу- фойдаланиладиган сувни сифат кўрсаткичидир, бундан сут маҳсулотларини сифатлилиги, охиратда инсон соғлиги факторларига боғлиқлиги келиб чиқади.

Аҳолининг соғлигига салбий таъсир қиласидиган ичак юқумли касалликларини келтириб чиқарувчи микроблар, сут маҳсулотларига сув орқали ўтади, яъни қуйидаги касалликлар: холералар, тиф, дизентерия, туляремия, бруцеллез, гепатит (боткин касали) ва бошқалар. Бутун дунёда сув орқали ўтадиган касалликлар бир йилга 500 млн. Тани ташкил этади. Сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатида сифатли, ичимлик суви даражасидаги сувларни қўллаш юқоридаги касалликларни 8-12 бараварга қисқартириш имкониятини бериши амалиётда исботланган. Сут маҳсулотларига ишлов беришда сувни тўлиқ талаб даражасида тозаламаслик, сут маҳсулотларига ҳар хил инфекциялар тушишига сабаб бўлади, бундан ташқари сувларни тўлиқ заарсизлантирилмаганлиги; сув таъминоти тармоғини эскирганлиги ва ишлатиш қоидаларига риоя қилинмаганлиги; манбадаги сувнинг сифат кўрсаткичини талаб даражасида эмаслиги сабаб бўлмоқда[4]. Сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарида қўлланиладиган сувларни ўзига хослиги эътиборга олиб қуйидагиларни, яъни органотептик ва кимёвий сифат кўрсаткичлар

эпидемиологик хавфсизлик учун асосий, муҳим омилдир. Демак сувни бактериологик ифлосланиш даражасини қисман оғишига ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Шундай қилиб, табиий сувларни таркибини ўзгариши сут маҳсулотларини истеъмолчиларини физиологик ва гигиеник талабларини доимо ҳам қаноатлантира олмайди. Бундан кўриниб турибдики гигиеник регламентация ва сувни таркибини стандартизациялаш муҳим омилдир. Бу кўрсаткичларни ўрни республикамизни сув, сув манбаларидан оқилона фойдаланиши давлат қонунларида батафсил келтирилган [5].

Сут маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш корхоналарида кўлланиладиган сувларни гигиеник сифат кўрсаткичлари кўйиладиган талаблар биринчи марта 1937 йили “Сувни сифат кўрсаткичини вақтингачалик ягона нусхаси” ишлаб чиқилган 1944-1945 йиллар кейингиси 1954 йили, 1974 йили, 1982 йили ва мустақил республикамизда 2011 йили ичимлик суви ва сув манбалари тўғрисида Ўзбекистон давлат стандартлари ишлаб чиқилган. [5;6]. O’zSt 950: 2011 Ўзбекистон давлат стандартига асосан сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарида сувни бактериологик кўрсаткичлари (1-жадвалда) келтирилган.

### **Ичимлик сувини бактериологик кўрсаткичлари**

Жадвал-1

Кўрсаткичлар	Меъёрлари
1л сувдаги бактериялар сони	<100
1 мл сувдаги микроорганизмлар сони	< 3

Ошқозон ичак касалликларини келтириб чиқарувчи бактериялар таркибиغا санитар-эпидемиологик микроорганизмлар, канализация (оқова) суви орқали ўтувчи бактериялар, клебсиелла оилаларга мансублари, цитробактер энтеробактерлар, булар диарею касаллигини келтириб чиқарувчилар ҳисобланади [7].

Тоза сув ҳовузидан кейин хлор қолдиқлари тўпланиб қолади, демак бу сув заарсизлантирилганлиги исботловчи асосий омилдир, яъни сув билан

хлор 30-60 минут мобайнида аралашган. Сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарида фойдаланиладиган сувларни кимёвий таркибини меъёрлари (2-жадвалда) келтирилган.

### **Сувни кимёвий таркибини меъёрлари**

**Жадвал-2**

Кўрсаткичлар	Меъёрлар
алюминий қолдиги (Al), мг/л	< 0,5
Бериллий (Be), мг/л	< 0,0002
Молибден (Mo), мг/л	< 0,25
Олтингугурт (As), мг/л	< 0,05
Нитратлар мг/л	< 45
қўрғошин (Se), мг/л	< 0,03
Селен (Se), мг/л	< 0,001
Стронций (Sr), мг/л	< 7,0
Фтор (F), мг/л I ва II	< 1,5
III	< 1,2
IV	< 0,7

Бу грухдаги меъёрий кўрсаткичлар сут маҳсулотларини истеъмолчиларини соғлигини сақлашга кафолат беради. Сувни органолептик хусусиятини бузилишига йўл қўймаслик, сут маҳсулотларини истеъмолга яроқсиз ҳолда келишини олдини олиш учун, маҳсулотларига ишлов бериш технологик жараёнларда қўлланиладиган сувни органолептик хусусиятига таъсир қилувчи меъёрий кўрсаткичлар (3-жадвалда) келтирилган.

### **Сувни органолептик хусусиятига таъсир қилувчи меъёрий кўрсаткичлар**

**Жадвал-3**

Кўрсаткичлар	Меъёрлар
Водопровод кўрсаткич, pH	< 6,0-9,0

Умумий қаттиқлик, моль/м <sup>3</sup>	< 7,0
Темир (Fe) мг/л	< 0,3
Марганец (Мп) мг/л	< 0,1
Мис (Cu) мг/л	< 1,0
Полифосфат қолдиғи ( $\text{PO}_4^{3-}$ ) мг/л	<3,5
Сулфатлар ( $\text{SO}_4^{2-}$ ) мг/л	< 500
Куриқ қолдик, мг/л	< 1000
Хлоридлар ( $\text{Cl}^-$ ) мг/л	< 350
Құрғошин ( $\text{Zn}^{2+}$ ) мг/л	<5,0

Сут маҳсулотларини ишлаб чиқиш корхоналарини технологик жараёнларида Ўзбекистон шароитида ер усти сув манбалари (асосан артизан күдуқлари) ҳамда ер усти сув манбалари (сув сақлаш омборлари) қўлланилади. Бу манбаларидаги сувларнинг сифат кўрсаткичлари Ўзбекистон давлат стандартининг “Ичимлик суви” ва “Марказлашган хўжалик –ичимлик сув таъминоти манбалари” бўйича кўрсатмаларида (4-жадвал ва 5 – жадвал) келтирилган.

### Ер ости сувини сифат кўрсаткичлари

Жадвал-4

Кўрсаткич	1	2	3
Лойқа мг/дм <sup>3</sup>	<1,5	<1,5	<10
Ранги, град,	< 20	<20	<50
Актив реакция (pH)	6-9	6-9	6-9
Темир (Fe) мг/дм <sup>3</sup>	<0,3	<10	<20
марганец (Мп), мг/дм <sup>3</sup>	<0,1	<1	<2
Олтингугурт ( $\text{H}_2\text{S}$ ) мг/дм <sup>3</sup>		<3	<10
Фтор (F), мг/дм <sup>3</sup>	<0,7-1,5*	<0,7-1,5	<5
Перманганатни оксидланиши	<2	<5	<15

Бактериялар сони	<3	<100	<1000
------------------	----	------	-------

### Ер ости сув манбаларини сувини сифат кўрсаткичлари

Жадвал-5


Кўрсаткич	1	2	3
Лойқа мг/дм <sup>3</sup>	<20	<1500	<10000
Ранги, град,	< 35	<120	<200
Хиди 20 <sup>0</sup> ва 60 <sup>0</sup> С да	<2	<3	<4
Водород кўрсаткич (рН)	6,5-8,5	6,5-8,5	6,5-8,5
Темир (Fe) мг/дм <sup>3</sup>	<1	<3	<5
Марганец (Мп), мг/дм <sup>3</sup>	<0,1	<1	<2
Фитопланктон	<1	<5	<50
Перманганатни оксидланиши	<1000	<10000	<100000
БПК	<3	<5	<7
ичак касалликлари келтириб чиқарувчи бактерияларни сувдаги сони индекс (ЛКП)	<1000	<10000	<50000

Ер ости сув манбаларини (4-жадвал) 1-синфига кирувчи сувларни сифат кўраткичлари талабга жавоб беради яъни уларни тозалаш талаб этилмайди; 2- синфига кирувчи сувларни сифат кўрсаткичлари қисман талабга жавоб беради, яъни профилактик заарсизлантириш ишлари олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади; 3- синфига кирувчи сувларни сифат кўрсаткичлари талабъга жавоб бериши уун реагентларни қўллаш орқали сувни тозалаш талаб этилади.

Ер усти сув манбаларини (5-жавдал) 1-синига кирувчи сувлар лойқали ва кам рангли бўлганлиги сабабли філтрлаш (сиздириш) коагулянтсиз ва заарсизлантириши усууллари билан меъёрга келтирилади; 2- синфига кирувчи сувлар кўп лойқали ва кўп рангли ҳамда кўп планктонлар

бўлганлиги сабабли коагулянтларни қўллаб, тинитиши, филтраш, заарсизлантириш ва планктонларни микрофилтрларда тозалаш усуллари билан талаб қилинган даражага олиб келинади; З-синфига кирувчи сувларни қўшимча тинитиш даражаси, ҳидини йўқотиш учун ачитгичлар ва сорбентларни қўллаш орқали, юқори бактериологик ифлосланганлигини йўқотиш учун самарали заарсизлантириш усулларини қўллаш тавсия этилади [8]. Ўзбекистон шароитида сут маҳсулотларини ишлаб чиқариши корхоналарида асосан артизан (бурғу) қудуқлари (60-65%) қўлланилади. Бу сув бериш манбаларининг санитария қўриқлаш зоналарини бўлиши санитария ҳолатини ишончлилигини мустаҳкамлайди ва оширади натижада бу корхоналардаги сув таъминотини тизимини ишончлилиги ошади. Бу муҳофаза ҳудудларида маҳсус қўриқлаш режими ўрнатилади, яъни сувни сифатига таъсир қилувчи ҳамда сувни сарфини камайишига олиб келувчи омилларга йўл қўйилмайди. Бу биринчи ҳудудларни радиуси  $30\text{m} \div 50\text{m}$  бўлиб, ўраб олинади бегоналарни кириши ман этилади сув ишлатиладиган ҳар қандай қурилиши обьекти бўлишига йўл қўйилмайди. Жойдаги хизмат персонали учун хожатхоналар маҳсус сув ўтказмайдиган материаллар билан чуқурчаларига ишлов берилади. 2- 3 муҳофаза ҳудудларида ҳам артизан қудуқларини сувини ифлослантирувчи манбалар бўлмаслиги керак.

Биринчи шаклда артизан қудуқларини биринчи санитария муҳофаза қилиш зonasини чегараси ва конусимон чуқурлиги кўрсатилган (1-расм).



Расм.1. Артизан құдуқларини биринчи санитария мухофаза зонасини чегараси ва конуссимон чүкүрлиги шакли: 1-статик сатх; 2-динамик сатх.

Сут маҳсулотларини ишлаб чиқиши корхоналарида қўлланиладиган сув таъминоти тизимини асосий истеъмолчилари, корхонанинг хўжалик майший юмушлари, сут маҳсулотларини қайта ишлаш технологик жараёнлари ҳамда кўкаlamзор ва дарахтларни суғориш, кўча ҳамда майдонларга сепиш учун ишлатилади. Бу сув таъминоти тизимини ташкиллаштириш қуидагиларга боғлик, яъни сувга ишлов бериш усулларига, тозалаш иншоотини таркиби ва конструкциясига ҳамда ишлатиладиган сувни сифатига қўйиладиган талабларга. Бу корхоналарда ичимлик суви сифатидаги марказлашган сув таъминоти тизими қўлланилади, шунинг учун ҳам сувдан самарали фойдаланиш долзарб муаммодир [9].

## **1.2. Сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарининг технологик жаараёнларида сувни компонент сифатида қўлланилиши**

Сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш саноат корхоналарини ҳар хил жабҳаларида сув асосий ўринни эгаллайди. Бу корхоналарда сут маҳсулотларидағи микроорганизмларни микробиоценозлаш эътиборда бўлиши керак.

Бундай назорат фақат технологик асбоб-ускуналарни мунтазам равишида қайта ишлаш шароитида пишлок тайёрлаш учун асбоб-ускуналар ва

бошқаларни заарсизлантириш билан амалга оширилиши мумкин. Сув бу реактивлардан бири сифатида ишлатилади, кучли оксидловчи ҳисобланади. Шунинг учун уларни етказиб бериш бузилиши ёки талаб қилинган ҳароратдаги ўзгариш муқаррар равишда корхонанинг ишида узилишлар ёки ускуналар ва контейнерларни сифатли тайёрлашга олиб келади. Сут заводининг маҳсулот сифати кўп жиҳатдан ходимларнинг шахсий гигиенасига боғлик. Сут бези ўсимликлар хавф остида бўлган ичак инфекциялари учун фекал-офиз йўли билан оғриган беморлар ўзига хосдир. Бу атамаларнинг маъноси шундаки, қорин бўшлиғи ичидаги инфекциялар инфекциянинг манбаларидан - касал ёки ташувчиси - нажаслар билан ажралиб турди ва касаллик тарқалиши учун озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимлик сувидан соғлом, қабул қилувчи одамга ўтиши мумкин. Узоқ вақт давомида патогенларни ажратиб оладиган бактериал ташувчиларни аниқлаш қийинроқ кечаяпти.

Шундай қилиб, антиэпидемик тадбирлардан бири сифатида сут маҳсулотлари билан алоқа қилишдан касал ёки бактериал ташувчиларни ажратиш лозимлиги.

Касалликнинг тарқалиши учун инфекциянинг манбаи (бемор ёки бактериал ташувчиси) технологик жараёнда бевосита иштирок этиши, сут ёки маҳсулот билан алоқаси бўлиши шарт эмас. Инфекцияни амалга ошириш учун ҳавони тозалаш воситаси орқали воситачилик қилиш этарли. Шу билан бирга, юқумли келиб чиқиш йўлининг олдини олиш жуда муҳимдир, заводнинг ҳар бир ишчиси доимо шахсий гигиена қўникмаларини, хусусан, лавлодан ҳар доим фойдаланишдан кейин қўлларни яхшилаб ювиш билан шуғулланади. Барқарор қўникмалар ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш фақат санитария-техник воситалар мавжудлиги, уларнинг оқилона дизайнни ва улардаги сувни узлуксиз таъминлаш билан амалга оширилиши мумкин. Бир қатор технологик жараёнларда сувни хом ашё сифатида ишлатади, масалан, қуритилган сутни қайта тузишда ёки унинг

таркибига киритилади сут маҳсулоти билан бевосита алоқада бўлиш (пишлок учун шўр қилиш, ёг ёрдамида олинган ёғни ювиш).


Шундай қилиб, сут заводларида технологик жараёнларнинг анъанавий усули асосан етарли, узлуксиз сув таъминоти билан боғлик. Шу билан бирга, сув таъминоти тизимини ташкил этишда қўшимча қийинчиликлар сув истеъмолининг мунтазам бўлмаган даврий режимига боғлиқлигини, иссиқ, совуқ сув ва буг етказиб беришдаги узилишлар маҳсулотни бузилишига олиб келиши мумкин. Керакли миқдорларга қўшимча равища, сут заводлари томонидан истеъмол қилинадиган сувнинг сифати ҳам муҳимдир. Санитария қоидаларига кўра, сув технологик мақсадларда ишлатилиши мумкин, унинг таркибига ва хусусиятларига мос келадиган O'zDSt 950:2011 “Ичимлик суви. Гигиеник талаблари ва сифат назорати”. Юқорида айтиб ўтилганидек, ДЯН нинг асосий асослари ичимлик суви эпидемик шароитларда, кимёвий таркибида заарсиз ва органолептик хусусиятларга эга бўлиши кераклиги тўғрисидаги қоидадир.

Ишчиларнинг технологик ва ички эҳтиёжларини камайтириш орқали ичимлик суви сифатини тежашга йўл қўйилмаслигини таъкидлаш зарур, чунки бу муқаррар равища салбий оқибатларга олиб келиши салбий оқибатларга олиб келади. Бир сут заводига сув етказиб беришни ташкил қилиш, бир томондан, сув сифатига юқори талаблар ва уни технологик эҳтиёжлар билан таъминлашнинг узлуксизлиги туфайли, бошқа томондан заводда қайта ишлашнинг чекланган имкониятлари билан мураккаблашади. Бундай шароитларда, сувнинг манбайнин танлаб олиш алоҳида аҳамиятга эга, шунинг учун минимал сув билан ишлаш этарли миқдорда ва юқори сифат билан таъминланади. Сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар учун сув таъминоти манбаларининг тавсифи тўғрисида сўз юритамиз.

Юқорида келтирилган сабабларга кўра, сут заводидаги сув сифатини назорат қилиш, шаҳарнинг сув таъминотига қараганда ҳам, бактерияни таҳлил қилиш учун ва уларнинг натижаларини баҳолаш учун намуна олиш частотасига нисбатан қатъий бўлиши керак. Бундай кунлик назорат

шаҳарнинг сув таъминоти ва санитария тизимининг ишлаб чиқариш бошқармаси ёки маҳаллий давлат санитария инспекторлари томонидан берилиши мумкин эмас. Бу мулоҳазалар тўғри шаҳар сувини баҳолашдан бошлаб, сут ишлаб чиқариш технологияси хусусиятлари мувофиқ назорат қилинади, сув манбаи, сув сифати, сут маҳсулотлари хавфсизлигини яхшилаш учун зарур бўлади.

Сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарига сув берадиган артизан қудуқларини чуқурлиги Ўзбекистон шароитида 80-150 м чуқурликда жойлашган бу корхоналарда қўлланиладиган артизан қудуқларини ер ости сувлари билан тўлиб туриш жараёни ҳам сувни узлуксиз етказиб беришни таъминлашда муҳим ўрин тутади. Бу ҳолатни (2-расмда) кўришимиз мумкин.



Расм 2. Ер ости сувлари билан артезан қудуғини тўйиниш шакли:  
1-сув қатламини юқори қисми; 2- қатламлар орасидаги босимсиз сувлар; 3-ер ости грунт сувлари; 4-қатламлар орасидаги босимли сувлар.

### **Биринчи боб хulosаси:**

- сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари сув таъминоти тизимларини фаолиятини тадқиқ қилиш мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили, тадқиқотга кўлланиладиган услубларнинг умумий тавсифи келтирилган;
- аҳолининг соғлигига салбий таъсир қиладиган ичак юқумли касалликларини келтириб чиқарувчи микроблар, сут маҳсулотларига ўтиши яъни холера, тиф, дизентерия, туляремия, бруцеллез, гепатит ва бошқа касалликларни сут маҳсулотларида тез кўпайиши тўғрисида маълумотлар келтирилган;
- сут маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналардаги маҳсулотларни заарланиши (ҳар хил микроблар тушуши) сут маҳсулотларига технологик сув билан тозалаш жараёни ва айланма сув таъминоти тизимида маҳсулотларни иситиш ҳамда совутиш апаратларни яхши беркитилмаган тирқишиларидан рўй бериши анализ қилинган;
- сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари сув таъминоти тизимлари фаолиятини тадқиқ қилиш мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили, тадқиқотга кўлланиладиган услубларнин гумумий тавсифи келтирилган;
- сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарида, сифатли маҳсулотларни олишда сувнинг ўрнига асосий ўрин тутишини ҳисобга олмаслик, мутаҳасислар ўз вақтида сувни сифатини ва узлуксиз таъминлашни амалга оширмасликларини сабаблари ўрганиб чиқилган;
- сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарида фойдаланиладиган артизан қудуқлари сувларини бактериологик кўрсаткичлари, сувни кимёвий таркибини меъёрлари, сувни оргонолептик хусусиятига таъсир қилувчи меъёрий кўрсаткичлар таҳлили ва ифодалари келтирилган.

## **II - Боб. Сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш саноат корхоналарида фойдаланиладиган сувларни тозалаш, тайёрлаш усуллари ва сув таъминоти тизимлари**

### **2.1. Сут маҳсулотлари ишлаб чиқариши корхоналари учун фойдаланиладиган сувларни тайёрлаш усуллари**

Сут маҳсулотлари ишлаб чиқариши корхоналари учун фойдаланадиган сувларни тайёрлаш усулларидан бири бу – тинитиш ва рангсизлантиришdir.

Тинитиш йўли билан тоза сув тайёрлаш деганда – сувни таркибидаги ҳар хил аралашмалардан тозалаш тушинилди. Рангсизлантириш йўли билан тоза сув тайёрлаш деганда рангланган коллоидларни бартараф қилиш ёки сувни эриган моддалардан тозалаш тушунилади. Сувни тинитиш ва рангсизлантириш асосан коагулянт ва флокулянтларни қўллаш орқали тинитгичларда тинитиши, филтрлаш (микрофильтрларда) орқали амалга оширилади. Буларни қўллаш орқали 30-40% лойқа камаяди, 75-95% зоопланктон ва фитопланктоналар ушлаб қолинади [10:11].


Ўзбекистон шароитида асосан қўйидаги коагулянталар қўлланилади –  $\text{Al}_2(\text{SO}_4)_3$  алюминий сульфат, алюминий окис хлорид  $[\text{Al}_2(\text{OH})_3] \text{Ce} \cdot 6\text{H}_2\text{O}$ , натрий алюминий –  $\text{NaAlO}_2$ , темир тузи –  $\text{FeSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O}$  ва темир хлориди –  $\text{FeCe}_2$ . Бундан ташқари сувни тозалаш жараёнини тезлаштириш учун қўйидаги флокулянтлар ҳам қўлланилади анионли (полиаркрониламид, поликаринитрила препаратлари яъни К-4 ва К-6, ВА-2).

Сувни горизонтал тинитгичлардаги тезлиги 4-6 мл/с; вертикал тинитгичларда – 0,4-0,6 мл/с ни ташкил этиб, бу сувни тозалаш жараёнида муҳим ўрин тутади. Тинитгичлардан кейин сувларни таркибида 8-12 мг/л лойқалик қолади ҳамда филтрлар орқали тозаланади. Филтрларда секин тезлик 0,1-0,3 м/соат, ўртача тезлик 5-12 м/соат, жуда катта тезлик 36-100 м/соатни ташкил этади. Филтрларни юклама материаллари кварцили қум, мраморли бўлаклар, керамзит, шунгизитлардан ташкил топган.


Сут комбинатларида асосан артезан қудуқларини суви ишлатилади ва улар юмшатилади ҳамда реагентли ва реагентсиз усуллар билан

заарсизлантирилади [12]. Реагентли заарсизлантириш усулларида – хлор, хлорли оқак, гипохлоритлар, хлораминлар, диоксид хлори, азон, кумуш ва бошқалар қўлланилади. Реагентсиз заарсизлантириш усулларида физик омилларни бактерицит таъсирлари, яъни – ултрабинафша нурланиш, гамма-нурланиш, ултратовушлар орқали амалга оширилади.

Хлорлаш усули ҳаммасидан яхши яъни заарсизлантириш самараси юкори; зиёнсиз; заарсизлантириш жараёнини назорат қилиш мумкинлиги; саноатда хлорни олишни оддийлиги; хлор билан заарсизлантиришни кимёвий кўриниши қўйидагича



Гипохлорит кальций  $\text{Ca}(\text{CeO})_2$  билан ер ости суви заарсизлантирилганда кимёвий жараён қўйидагича рўй беради, яъни



Бу заарсизлантириш усулини самарадорлиги қўйидагиларга боғлик, яъни

- Микроорганизмларни биологик хусусиятларини боғлиқлигига;
- Хлорни бактерицитлик хусусиятига;
- Сувни таркибига;
- Заарсизлантириш жараёнини хусусиятига.

Хлорни ер ости сувларини заарсизлантиришдаги самарасини қўйидаги ифода орқали аниqlаш мумкин:

$$N_t = N_0 \cdot 10^{k,t}$$

Бу ерда,  $N_0$  – бактерияларни бошланишдаги сони;  $N_t$  - хлор билан сув ( $t$ ) минутдаги алоқаси бўлгандаги бактериялар сони.  $K$ -аниқ микроорганизмларни характерига боғлиқ коэффициент.

Ер ости сувларидаги бактерияларни сонини 99,9% гача камайтиришда ва 30 минутлик алоқа даврида оқакни хлорни улуши 3 мг/л, хлорники 2,7 мг/л, диоксид хлорники – 1,5 мг/лни ташикл этади. Сувдаги бактерияларни 100%


йўқолиши учун pH =6 ÷ 7 бўлиши энг мукаммал кўрсаткич эканлиги аниқланган, бу ҳолда хлорни дозаси ҳам 1-4,5 мг/л бўлади.

Реагентсиз зарасизлантириш усулида ултрафиолитли нурлардан фойдаланилади. Бу жараён нурлар тўлқинини узунлиги 295 ÷ 200 нм ва 260 нм бўлганда яхши натижа беради. Микроорганизмларни бактерицит нурларга чидамлилиги қаршилик кўрсатиши коэффицинети билан тавсифланади, ўлчам бирлиги ( $\text{МкВт} \cdot \text{с/см}^2$ ).

#### Жадвал – 6

т/р	Номланиши	сони, мкВт с/см <sup>2</sup>
1	Пигмент ҳосил қиласиган бактериялар	995
2	Тиф касаллигини бактериялари	1600
3	Ич ўтиш касалигини бактериялари	1900
4	заарсизли таёқчалар	2315
5	Ичакларда пайдо бўладиган бактериялар	2530
6	Миркококкилар	2550
7	Кўк тайёқчалар	6180

Ултрафиолитли (УФ) нурларни самарадорлигини, сут ишлаб чиқариш корхоналарда фойдланиадиган сувларни бактериологик ифлосланиши даражасига боғлиқлиги 3 – рсмда келтирилган.



Расм 3. УФ нурларини бактерицит таъсирини сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида фойдаланиладиган сувларни бактериологик ифлосланиши даражасига боғлиқлиги графиги.

